


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 15 май, № 98 (7056) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, технологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақада барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Генерал Ж. Вотел давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

АҚШ жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистон ва бутун минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қиладиган йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президентининг АҚШга кутилаётган расмий ташрифи Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

Жозеф ВОТЕЛ:

## АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ — УМУМИЙ МАҚСАДИМИЗ

**АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф ВОТЕЛ ЎзА мухбири билан суҳбатда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорлик истиқболлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди:**

— Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Ҳар гал улкан ислоҳотларга гувоҳ бўламан.

Президент Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдираман. Мулоқотда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, долзарб минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашдик.

Давлатингиз раҳбарининг чуқур ўйланган, халқ манфаатлари ҳисобга олинган ҳамда Ўзбекистоннинг дунёдаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлари ҳар қанча таҳсинга сазовор. Президентингизнинг саъй-ҳаракатлари Афғонистон билан ишлаётган томонлар учун ҳам ғоят муҳим. Биз Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ушбу мамлакатда тинчликка эришиш истиқболларини ҳам муҳокама этдик.

Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ўрнатиш бўйича халқаро коалиция томонидан амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, мамлакатингиз ўз ҳудудидан Шимолий тақсимот тармоғи орқали Афғонистонга юк ташишда ёрдам бермоқда. Бу АҚШнинг Афғонистондаги ишлари муваффақиятли кечишига ҳисса қўшмоқда. Ушбу соҳадаги алоқалар ўзаро ҳамкорлигимизнинг муҳим йўналишидир.

**ЎзА мухбири**
**М. ЭЛМУРОДОВ**
**ёзиб олди.**

**Брифинг**

## Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи

дастуридан ўрин олган тадбирлар ҳақида маълумот берилди

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга илк расмий ташрифини ёритиш бўйича Вашингтонда ташкил этилган Матбуот марказида брифинг ўтказилди. Унда Президентнинг Матбуот котиби Комил Алламжонов бўлажак ташриф доирасидаги тадбирлар ҳақида қуйидаги маълумотларни тақдим қилди:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШга расмий ташрифи 15 май куни бошланади. Давлатимиз раҳбарини Вашингтондаги "Эндрюс" аэропортида АҚШ Давлат департаменти раҳбарияти кутиб олади.

Бу ташрифга ҳар икки томон ҳам катта эътибор билан қарамоқда. АҚШ маъмурияти Ўзбекистон Президенти ташрифини тарихий, дея баҳоламоқда.

**(Давоми 5-бетда).**

**Халқаро анжуман**

## Демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларига содиқлик ифодаси

*Вашингтондаги АҚШ Миллий пресс-клубида "Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар" мавзуида халқаро анжуман ўтказилди.*

Мазкур тадбир мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонаси томонидан АҚШ Миллий пресс-клуби кўмагида ташкил этилди. Унда халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев, Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси директори Фирдавс Абдухолиқов, Халқаро пресс-клуб раиси Шерзодхон Қудратхўжаев мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида маъруза қилди.

**(Давоми 5-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонлар тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига халал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахслар (кейинги ўринларда давлат корхоналари деб юритилади) устувор соҳаларда, энг аввало, ёқилғи-энергетика, агросаноат, тоғ-кон комплексларида, машинасозлик, транспорт, кимё саноати, телекоммуникация соҳаларида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаган ҳолда миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, бугунги кунда давлат корхоналарига ўз вазифаларини тўлиқ бажариш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга кўмаклашиш имконини бермайдиган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

**биринчидан,** корпоратив бошқарув жараёнида давлат корхоналарининг бошқарув органларида ижро этувчи ҳокимиятнинг соҳавий комплекслари ва давлат бошқаруви органлари раҳбарлари иштироки оқибатида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги;

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг қалбида она-Ватанимиз ҳамда халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиёти таҳлили, шунингдек, халқ билан бевосита мулоқот натижалари ушбу соҳада бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди, хусусан:

**биринчидан,** жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришда, шу жумладан, электрон тижоратни ривожлантиришда муайян натижаларга эришиш имконини берди.

Шунга қарамай, мамлакатда электрон тижоратнинг тўлақонли бозорини яратишга, товарлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига тўсиқ бўлаётган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

**биринчидан,** электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг амалдаги тизими соҳа тараққиётининг жадал суръатлардаги ўзгаришларига мос келмайди ва ўз навбатида, аҳоли кенг қатлами ва тадбиркорлик субъектлари учун электрон тижоратдан фойдаланиш имконини таъминламайди;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданий-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**(Давоми 4-бетда).**

ЯНГИ РУКН:

## Ўзбекистонни танлаган инвесторлар

*Газетамизда янги "**Ўзбекистонни танлаган инвесторлар**" рукни ташкил этилди. У орқали бизнес фаолиятини мамлакатимиз билан боғлаган, савдо-сармоявий, иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келаётган чет эллик инвесторлар, улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида ҳикоя қилиш, хорижлик сармоядорларнинг юртимиз иқтисодиётидаги ўзгаришлар борасидаги фикр-мулоҳазаларини бериб боришни режалаштирганмиз.*

Бугун ушбу рукн остида тайёрланган илк материал — **"Ота юртимизга бўлган муҳаббат, ўзбек халқига ишонч"** сарлавҳали суҳбат билан танишасиз. Унда туркиялик машҳур инвестор, "Demir Group" компанияси раҳбари Ахмет ДЕМИРнинг Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги бугунги савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқалар, ишбилармонлик муҳити ҳамда тадбиркор томонидан юртимизда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўласиз.

6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**биринчидан,** суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдига киришларига юзаки сабабларга кўра тўсқинлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламаяпти;

**иккинчидан,** адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокат сўровини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, била туриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган;

**учинчидан,** Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиш билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортиқча бюрократиядан иборат бўлмоқда;

**тўртинчидан,** адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаяпти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятидан ажратилмаганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

**бешинчидан,** адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда;

**олтинчидан,** адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишда салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатуранинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

**еттинчидан,** билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қилади;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарисида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган тураржойларида амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу тураржойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотураржой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлғон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри мурожаатига асосан, белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этган ҳолда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда, Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Адвокатлар палатасига:

замонавий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушунтиришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

адвокатура тизимида иш стажига кўра, малака комиссияларининг хулосалари асосида Адвокатлар палатаси раиси томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги, шу жумладан, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўймайдиган янгиланган тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

адвокатлик мақомини олиш учун малака имтиҳони жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан, зарур ҳужжатларни онлайн тартибда топшириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатишни (pro bono) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорижий давлатлар органларига сўров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларда, шу жумладан, ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учрашиш ҳуқуқини чеклаш орқали тўсқинлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор мансабдор шахсларга, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг қатъий жавобгарлик чораларини кўрган ҳолда, адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқсин ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**иккинчидан,** давлат корхоналарида оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш, моддий-техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи инвестициявий жараёнларни бошқаришнинг йўлга қўйилган тизими мавжуд эмаслиги;

**учинчидан,** корпоратив бошқарувнинг шаффоф эмаслиги, давлат корхоналарининг молиявий ва хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш, уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши ва натижадорлигини самарали назорат қилиш амалиётининг мавжуд эмаслиги;

**тўртинчидан,** давлат корхоналарининг корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасидаги раҳбар ходимлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг самарасиз эканлиги.

Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, давлат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, технологик ва ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантиришдаги ролини ошириш мақсадида:

1. Давлат корхоналари фаолиятини ташкил этишда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек, давлат активларининг қийматини ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи давлат корхоналарини трансформация қилиш дастурларини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2020 йилларда устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни трансформация қилиш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

бошқарув ходимларига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун уларнинг масъулиятини таъминловчи корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

давлат корхоналари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташаббусларни амалга ошириш;

давлат корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий кўникмаларини, жумладан, тегишли тармоқлар бўйича етакчи хорижий корпорациялар билан тажриба алмашинишни ташкил этиш орқали ривожлантириш;

давлат корхоналарини трансформация қилиш тадбирларини амалга оширишда лойиҳа бошқаруви воситаларидан фойдаланиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Дастурнинг стратегик мақсадлари ва муҳим вазифаларни аниқлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, уни амалга ошириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишга ваколатли Лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) функцияларини бажаради;

Дастурнинг амал қилиши "Ўзбекнефтгаз", "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго", "Ўзбекгидроэнерго", "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятлари, "Ўзбектелеком" АК, "Навоий кон-металлургия комбинати" ДК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК ва АТ Халқ банкига (кейинги ўринларда — давлат компаниялари) татбиқ қилинади.

Лойиҳа офисига Дастурнинг амал қилиши муддатини узайтириш, шунингдек, унга бошқа давлат корхоналарини киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш даврида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат компанияларининг бошқарув органларини шакллантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг давлат компанияларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг АТ Халқ банкига нисбатан вазифа, функция ва ҳуқуқлари Лойиҳа офисига ўтказилади.

Лойиҳа офиси Дастурнинг ижроси бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасидан мустақил равишда амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромадлар тушумини назорат қилиш бошқармаси тугатилсин ҳамда бўшаётган 5 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига ўтказилсин.

6. Лойиҳа офисига Дастурни амалга ошириш доирасида қуйидаги ваколатлар берилсин:

Дастурга мувофиқ, давлат компанияларининг ташаббусларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

давлат компанияларининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни, шу жумладан, тижорат, банк, солиқ сирларини ва бошқа чекланган ахборотларни ўз ичига олувчи маълумотларни сўраб олиш;

давлат компанияларининг фаолиятини, шу жумладан, уларнинг ташаббусларини амалга ошириш нуқтаи назаридан мунтазам таҳлил қилиш;

корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш, маъмурий ва оператив жараёнларни оптималлаштириш, замонавий менежмент ва ресурсларни бошқаришни жорий қилиш орқали йўлга қўйиш.

7. Қуйидагилар:

Дастурни амалга ошириш масалалари бўйича Лойиҳа офисининг қарорлари давлат компаниялари томонидан ижро этилиши учун мажбурий ҳисобланади;

Лойиҳа офиси Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш сифати ва муддатлари устидан мониторинг ўтказади;

давлат компанияларининг бюджетини шакллантириш Лойиҳа офиси билан мажбурий келишилиши лозим.

Лойиҳа офиси Дастур амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги маърузани ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим қилади.

8. Лойиҳа офиси давлат компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда:

Лойиҳа офиси ишининг регламенти;

Дастурни амалга ошириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни таъминласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш давлат компанияларининг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (кейинги ўринларда — Марказ) балансидаги бинолари, иншоотлари ва бошқа моддий-техника қимматликлари билан биргаликда Лойиҳа офисига берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг Васийлик кенгаши таркиби ва ташкилий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, Марказ мавжуд ваколатлари билан бир қаторда:

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви масалалари бўйича ўқитишни ташкил этади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида малакасини ошириш бўйича махсус қисқа муддатли таълим дастурларини ишлаб чиқади;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида кадрлар захирасини шакллантиради;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини сертификатлаш тизимини ишлаб чиқади ва амалга жорий этади;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидларининг халқаро ва миллий стандартлари бўйича ўқув қўлланмалар, ахборот берувчи адабиётлар ва бошқа материаллар ишлаб чиқишни амалга оширади.

11. Марказда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

ҳар йилги қабул квоталари 40 кишидан иборат бўлган магистратура таълим дастури асосида "Лойиҳа бошқаруви" ("Project management") мутахассислиги бўйича тўлов-контракт асосида ўқитиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳалари бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда белгиланган намунадаги сертификатлар берилган ҳолда, махсус курслар ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланган тартибда:

магистрлар тайёрлаш соҳасидаги замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, "Лойиҳа бошқаруви" магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш соҳасида олий таълим давлат таълим стандартини тасдиқласин;

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига "Лойиҳа бошқаруви" магистратура мутахассислигини киритсин.

13. Марказ икки ой муддатда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини хорижда қисқа муддатли стажировкалар ўташни ва лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳасидаги етакчи хорижий мутахассисларни кенг жалб қилишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек, давлат компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Садиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний илм-фан тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилгани дунё жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилади.

Улуғ аждодларимизнинг ақл-заковати ва бадиий даҳоси билан яратилган ноёб асарлар, хусусан, математика, минералогия, астрономия, кимё, тиббиёт, фармацевтика, меъморлик, тарих, адабиёт, санъат, илоҳиёт, фалсафа ва бошқа соҳаларга оид манбалар нафақат бизнинг халқимиз, балки жаҳон аҳлининг бебаҳо бойлиги ҳисобланади.

Ана шундай беқиёс меросимиз асосида ташкил этилган “Ёш китобхон” танловида 250 минг нафарга яқин ёш иштирок этиб, танлов ғолибларига “Президент совғаси” — енгил автомашина топширилгани ёшлар ўртасида китобхонлик маданияти ривожланишига муҳим таъсир ўтказди.

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакилларининг мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилган китобхонлик танловларини ижобий баҳолаган ҳолда, ушбу танловларни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида “Ёш китобхон” танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) танловни юқори савияда ўтказиш учун:

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкилий-амалий ишлар бўйича;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўйича масъул ташкилотлар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда ўн кун муддатда “Ёш китобхон” танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Мазкур Низомда:

буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этиш;

2018 йилги танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш” каби халқ достонлари бўйича ўтказиш;

кейинги танловларни даврлаштирган ҳолда давом эттириш учун тегишли рўйхатларни шакллантириш;

танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, республика босқичида биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларни енгил автомобиллар билан тақдирлаш, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларни ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги танлов номинацияларида белгиланган буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг асарларини, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид китоб ва рисолаларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ҳамда таълим муассасалари кутубхоналарига, тегишли веб-сайтларга, ахборот-ресурс марказлари ва кенг ўқувчилар оммасига етказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. М. Султонов ва Қ. К. Қуранбоев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 май

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**иккинчидан,** жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги;

**учинчидан,** алоҳида турдаги жиноятларни содир этганлик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги;

**тўртинчидан,** тезкор-тергов тадбирларини ўтказиш сифатининг қониқарсизлиги ва процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши;

**бешинчидан,** халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги, жумладан, юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслиги;

**олтинчидан,** суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш жуда паст даражада эканлиги.

Замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш;

жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш;

фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш;

жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш;

жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини киритиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди ва Ички ишлар вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **“Электрон жиноят иши”** дастлабки лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган жиноят ишларини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув органларининг прокуратура органлари, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юритишни автоматлаштириш орқали жорий қилиш;

ҳужжатнинг ягона идентификаторини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, жисмоний ва юридик шахсларнинг суриштирув органлари, судлар, прокуратура органлари билан интернет тармоғи орқали ахборот алмашинувини таъминлаш;

жиноят ишлари бўйича суриштирув амалиётида жиноят-процессуал ҳужжатларининг ягона электрон шаклини ишлаб чиқиш;

жиноят ишларини юритиш жараёнларини, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритувда тартиб-таомилларни қисқартириш ва ортиқча босқичларни чиқариб ташлаш орқали оптималлаштириш;

процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартибларини, жумладан, электрон шаклда санкциялар олиш, далилларни тўплаш, экспертизалар, суд муҳокамаси ўтказиш ва суд қарорларини ижро этиш орқали соддалаштириш.

3. **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия** (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Идоралараро комиссия (О. Б. Муродов):

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, шунингдек, **“Электрон жиноят иши”** дастлабки лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва уларнинг иш режаларини тасдиқласин;

2018 йил 1 декабрга қадар Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида **“Электрон жиноят иши”** дастлабки лойиҳаси (кейинги ўринларда — дастлабки лойиҳа) амалга киритилсин;

2019 йил 1 октябрга қадар дастлабки лойиҳанинг синовлари натижаларидан келиб чиқиб, жиноят ишлари бўйича электрон иш юритуви жорий қилиниши муносабати билан жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

2019 йил 1 декабрга қадар ушбу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини киритсин.

Ушбу бандда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида:

жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи соҳасидаги илғор халқаро тажрибани, умумэътироф этилган норма ва стандартларни, жумладан, жойларга чиққан ҳолда ўрганишни;

илмий доиралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманлари ташкил этишни таъминласин.

5. Дастлабки лойиҳа иштирокчилари рўйхати ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, дастлабки лойиҳани амалга ошириш доирасида:

бир вақтнинг ўзида ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларидан фойдаланилади;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси “Электрон жиноят иши” лойиҳасининг амалга оширилиши ва юритилишига масъул бўлган ваколатли орган ҳисобланади;

иш ўринларини жиҳозлаш, ички локал-ҳисоблаш тармоқларини ташкил этиш тегишли вазирлик ва идоралар — дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

алоқа каналлари билан таъминлаш “Ўзбектелеком” АК томонидан Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади;

“Электрон жиноят иши” тизимини яратиш ва жорий этиш, уни дастлабки лойиҳа иштирокчиларининг мавжуд ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарурий чораларни кўриш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш “UNICON.UZ” ДУК томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази билан биргаликда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Идоралараро комиссия раисига юклатилган вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакиллари, шунингдек, халқаро ташкилотлар маслаҳатчиларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу қарорнинг ўз вақтида ва самарали ижроси учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Идоралараро комиссияга хорижий мамлакатларга сафарларни ташкил этиш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан учрашув ва музокараларни ўтказишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарор билан белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилий ва амалий чоралар кўрилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 май

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**иккинчидан,** маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ташқи бозорларда тўлиқ рақобатлашиш, шунингдек, харажатларни оптималлаштириш имконини бермаётган электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни экспорт қилишнинг эскирган бюрократик тўсиқлари сақланиб қолмоқда;

**учинчидан,** электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жараёни лозим даражада йўлга қўйилмаган, бу эса иқтисодиётни рақамлаштириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг тўхтаб туришига олиб келмоқда;

**тўртинчидан,** маҳаллий тўлов тизимларининг машҳур хорижий аналоглари билан интеграцияси йўқлиги, мамлакат тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар билан тўлиқ халқаро ҳамкорликда ишлашларига, шунингдек, маҳаллий бозорнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигига таъсир қилмоқда;

**бешинчидан,** электрон тижорат имкониятлари ва афзалликларини, жумладан, товарлар (хизматлар) учун, айниқса, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни оммалаштириш даражаси пастлигича қолмоқда, бу эса хуфиёна иқтисодиёт ҳажмининг ошишига ва Давлат бюджетига солиқ тушумларининг камайишига олиб келмоқда;

**олтинчидан,** амалдаги солиққа тортиш тизими электрон тижорат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, жумладан, ахборот воситачилари фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантирмайди, бу эса интернет тармоғи орқали маҳсулотларни хуфиёна айирбошлаш ҳажми ошишига олиб келмоқда, шунингдек, ушбу соҳага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилишни чекламоқда.

Мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар)ни интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, электрон тижорат иштирокчилари томонидан хизматлар кўрсатиш жараёнида ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усуллар товарлар (хизматлар) учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чипталар ва бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат битимларини амалга оширишда тўловлар виртуал терминаллар (E-POS) орқали харидорга нақд пулни қабул қилганлиги тўғрисида электрон чек ёки бошқа тасдиқловчи ҳужжатни мажбурий юборган ҳамда инкассация қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда, пул маблағларини хизмат кўрсатувчи банкга топшириш шарти билан нақд пул шаклида қабул қилиниши мумкин;

электрон тижорат субъектлари савдо фаолиятини амалга оширишда тўлов терминалларидан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг корпоратив банк карталари, шунингдек, электрон тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар;

электрон тижорат орқали реализация қилинган уч минг АҚШ долларигача бўлган товарлар (хизматлар)ни экспорт қилиш Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилмасдан ва юк божхона декларацияси тўлдирилмасдан почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади;

виртуал терминаллар (E-POS) шу турдаги назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларига тенглаштирилади.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни етказиб бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига учинчи шахслар (товарларни сотувчилар) учун тўловларни кейинчалик уларни белгиланган тартибда инкассация қилиш шарти билан қабул қилиш ҳуқуқи берилади;

электрон тижорат орқали сотиладиган товарлар (хизматлар) учун уларнинг умумий қийматидан мажбурий 15 фоизли олдиндан тўлов тўлаш талаби бекор қилинади;

электрон тижорат орқали реализация қилинган товарларни сотувчига ва етказиб берувчига шахсий мулк, ижара ва бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан, тегишли бўлган автомобиль транспортида Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб етказиб беришда шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро автомобилда йўловчилар ва юк ташишларни амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббиёт буюмларини реализация қилиш, фақат сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой муддатда етакчи хорижий савдо майдончалари (ebay, Amazon ва бошқалар), тўлов тизимлари (Paypal) билан музокаралар ўтказишни ташкил этсин ва ўтказилган музокаралар якуни бўйича маҳаллий тадбиркорлик субъектларига ушбу савдо майдончалари ва тўлов тизимлари орқали товарлар (хизматлар)ни реализация қилиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш имконини яратиш бўйича аниқ таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббий буюмларни, уларни сақлаш ва етказиб бериш талаблари ва шартларини инобатга олган ҳолда, реализация қилиш ва етказиб бериш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

икки ой муддатда электрон тижорат соҳасида давлат миқёсидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш механизмини инобатга олган ҳолда, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритсин;

мижозларни мобиль алоқа рақамига боғлиқ ҳолда масофадан идентификация қилиш механизмининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида 2018 йил якунига қадар мобиль алоқа тармоғи абоненти бошқа мобиль алоқа тармоғига ўтганда телефон рақамини сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда электрон дастурий маҳсулотлар, ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштириш, шу жумладан, “булутли технологиялар” хизматини харид қилиш ва унга обуна бўлишнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва божхона расмийлаштируви (декларациялаш) тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Марказий банк билан биргаликда 2018 йил якунига қадар мобиль телефонлар (планшетлар) қўлланилишини инобатга олган ҳолда, банк карталари ва нақд пул тўловларини қабул қилувчи ягона қурилмаларни (E-POS терминал ва онлайн НКМ бир қурилмада) жорий этиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрини (кейинги ўринларда Миллий реестр деб юритилади) яратиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Миллий реестрни юритиш электрон шаклда онлайн режимда амалга оширилади;

Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда товар (хизмат)ларни электрон тижорат орқали сотишдан олган даромадлари умумий сотилган товарлар (хизматлар) ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этувчи, шу жумладан, электрон тижоратда электрон савдо майдончалари, товарларни етказиб бериш, электрон ҳужжатлар ва хабарларни сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар киритилади.

9. Миллий реестрни шакллантириш, юритиш ва келгусида ривожлантириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш марказига юклатилсин.

10. Миллий реестрни юритишнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

электрон тижорат иштирокчилари тўғрисидаги ягона электрон ахборот банкини яратиш;

электрон тижоратни жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатининг тизимли мониторингини олиб бориш ва баҳолаш, шу жумладан, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишнинг самарадорлигини ўрганиш;

электрон тижоратни самарали ривожлантириш учун мақсадли таҳлилини олиб бориш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

11. Белгилансинки, Миллий реестрга киритилган юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар 2 фоиз ставка бўйича ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланади.

12. 2018 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 май

# ТАРИХИЙ ТАШРИФ АРАФАСИДА



Эксклюзив интервью

*Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Доналд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15 — 17 май кунлари илк расмий ташриф билан АҚШда бўлади. Ушбу муҳим сиёсий тадбир арафасида таниқли экспертлар, мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Хусусан, айни пайтда Вашингтонда хизмат сафарида бўлиб турган махсус мухбиримиз Америка Қўшма Штатлари Штаб бошлиқларининг бирлашган қўмитаси раиси маслаҳатчиси ва АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ричард НОРЛАНДдан эксклюзив интервью олди. Қуйида ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

## Ричард НОРЛАНД:

## «ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗГАН КУНЛАРИМНИ ДОИМО СОҒИНЧ БИЛАН ЭСЛАЙМАН»

***— Жаноб Норланд, Сиз бир неча йил Ўзбекистонда фаолият юритгансиз ҳамда юртимиз ҳақида яхши тасаввурга эгасиз. Келинг, мулоқотимизни ўша таассуротларингиз, хотираларингиздан бошласак.***

— Ўзбекистонда 2007 — 2010 йилларда элчи сифатида ишладим ва ўша даврдан менда ажойиб хотиралар қолган. Юртингиз буюк тарихга, бой маданиятга эгалиги билан ҳар қандай кишида ёрқин таассурот қолдиради. Бу мамлакат Марказий Осиё, умуман, жаҳон цивилизациясида муҳим роль тутиши билан ажралиб туради. Самарқанд, Бухоро каби кўҳна шаҳарлар, у ердаги обидалар беҳад гўзал ҳамда ҳайратланарли даражада мафтункор. Энг асосийси, ўзбеклар самимийлиги, меҳмондўстлиги билан ажралиб туради. Мен Ўзбекистонда ўтказган йилларимни доимо соғинч билан эслайман. Бир кун келиб яна бу ажойиб мамлакатга бориш, гўзал масканларни яна бир бор кўриш, дилкаш инсонлар билан учрашиш истагидаман.

***— Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилиб бораяпти. Айтинг-чи, буни АҚШ жамоатчилиги қандай баҳоламоқда?***

— Давлат департаментидаги ҳамкасбларим Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳамда очиқлик сиёсатига катта қизиқиш ва ҳатто ҳайрат билан қарашмоқда.

Гарчи мен собиқ дипломат бўлсамда, ҳозирги пайтда Пентагонда фаолият юритаяпман. Шуни айта оламанки, бу ерда ҳам ушбу жараёнга, яъни Ўзбекистондаги ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилаяпти, бу борада Пентагонда кўтаринки кайфият, руҳ ҳукмрон. Ўйлайманки, Ўзбекистонда кечаётган ўзгаришлар мамлакатнинг турли соҳалардаги салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Бу салоҳият нимада намоён бўлади? Аввало, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг йирик иқтисодий салоҳиятга, қудратга эга, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда улкан роль ўйнаши ҳамда Узоқ Шарқ ва Европа мамлакатлари ўртасида транзит йўлаги вазифасини бажариши мумкин бўлган давлат ҳисобланади. Бугун мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар ана шундай катта салоҳиятни тўлақонли ишга солишга Ўзбекистонни ҳар қачонгидан кўра яқинлаштирмоқда.

***— Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи икки мамлакат муносабатларида қандай аҳамият касб этади?***

— Бу ташрифга тарихий, дея таъриф берилаяпти. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи икки мамлакат муносабатларини янги поғонага кўтариш, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Хусусан, хавфсизлик, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлигининг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилиниши, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилгани айни жиҳатдан диққатга моликдир. Мисол учун, Афғонистон, минтақанинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари Ўзбекистон учун ҳам, АҚШ учун ҳам муҳим масалалар сирасига киради. Икки томон бу борада биргаликда қандай саъй-ҳаракатларни амалга ошириши кўпчиликни қизиқтирмоқда.

***— Афғонистондан сўз очдингиз. Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистонда Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси ўтказилди. Мазкур анжуман АҚШ ҳукумати томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Ўзбекистон ҳамда АҚШ Афғонистонда тинчликни қарор топтиришда биргаликда қандай саъй-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, деб ўйлайсиз?***

— Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик таъминланишига кўмаклашиш учун жуда катта саъй-ҳаракатларни амалга ошираяпти. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ташкил қилингани бу борада яна бир улкан қадам бўлди. Афғон муаммосини сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай экан, ушбу мамлакатда вазиятни ўнглаш, тинчликни таъминлашга эришишда қўшни давлатлар, ташқи кучларнинг ҳамфикрлиги, ҳамжиҳатлиги катта ўрин тутади. Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича конференция ташкил қилиши бу борада тарихий воқеа бўлди, дейиш мумкин.

Тошкент анжумани юқори даражада ташкил этилганини унда нуфузли кишилар, жумладан, бир қанча мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари, етакчи арбоблар қатнашганидан ҳам билиш мумкин.

Тошкент конференцияси Афғонистонда тинчлик жараёни бўйича кенг қамровли масалалар бўйича очиқ ҳамда ҳар томонлама муҳокамалар учун ноёб имкониятни тақдим қилгани билан эътиборга молик.

***— Суҳбатимиз сўнгида Ўзбекистон халқига тилакларингиз.***

— Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни йўллайман. Тинчлик, фаровонлик ва бахт-саодат тилайман.



Тақдимот

*Фредерик Старр — америкалик таниқли эксперт, профессор. Марказий Осиё, Россия ва МДҲ мамлакатлари бўйича мутахассис. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёндан яхши хабардор, АҚШ илмий ҳамда сиёсий доираларида катта ҳурматга эга. У Евросиё минтақаси давлатлари сиёсати ва тарихига оид 20 дан ортиқ китоблар муаллифи. Хусусан, Ўрта асрларда яшаб ижод қилган алломаларимиз ҳақидаги илмий-оммабоп мақола ҳамда рисолалари Ғарб мамлакатлари жамоатчилиги орасида анча машҳур.*

## «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ»

### Америка ташқи сиёсати кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ҳамда раиси, профессор Фредерик Старр навбатдаги китобини ана шундай деб номлади.

Старр Ўзбекистонга кўп бора ташриф буюрган. Жумладан, 2014 йилнинг май ойида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференцияда қатнашган, 2016 йил декабрь ойидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган. Ўтган йили ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида бўлиб ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро анжуманнинг модераторларидан бири бўлган. Нуфузли тадбирда у Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуслари туфайли Марказий Осиёнинг бирлаштирувчи марказига айланаётганини қайд этган эди.

Старр мамлакатимизда кечаётган жараёнга холис ёндашади. Унинг концептуал қарашлари туб замирида "Ўзбекистон — Марказий Осиё минтақасининг геостратегик маркази ва юраги", деган ғоя мужассам. Эксперт АҚШ ҳамда Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириши ва мустаҳкамлашининг қатъий тарафдори бўлиб келган. Буни унинг навбатдаги китоби айнан мамлакатимизнинг янги тарихига бағишлангани ҳам тасдиқлайди. Махсус мухбиримиз Президентимизнинг АҚШга илк расмий ташрифи арафасида тақдимоти ўтказиладиган "Ўзбекистоннинг янги қиёфаси" деб номланган мазкур асар хусусида муаллифдан қисқача гапириб беришини сўради.

— 2017 йил Ўзбекистон учун турли воқеаларга бой, барча соҳада жадал ривожланиш даври бўлди, — дейди Ф. Старр. — Ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳалардаги, халқаро муносабатлардаги улкан ижобий ўзгаришлардан хорижда кўпчилик ҳайратга тушмоқда. Лекин чет элда ҳамма ҳам ана шу ислоҳотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етаяпти, деб бўлмайди.

Шу боис биз 6-7 ой олдин Ўзбекистондаги барча жараён акс этган материалларни тўплаб, тарихга муҳрлашга қарор қилдик. Китобда бу ўзгаришларга баҳо бермадик, аксинча фақатгина уларни холис баён этдик. Мазкур жараёнда юзлаб ҳуқуқий ҳужжатларни, Президент Фармон ва қарорларини ўрганиб чиқишга тўғри келди. Очиғи, бу осон кечмади. Тошкентдаги ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганимиз айни шу жараёнда анча асқатди. Улар бизга барча маълумотни тўлиқ тақдим қилишди. Кейин биз Ўзбекистоннинг парламент фаолияти, халқаро муносабатлар, иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларини холис таҳлил этиб беришларини сўраб, дунёдаги энг таниқли экспертларга мурожаат қилдик. Сўнг ушбу таҳлилий материалларни бир жойга жамладик. Натижада Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги соҳасидаги янгиланишларни акс эттирадиган яхлит китоб яратилди.

Ислоҳотларнинг натижаларини аниқ ва холис баҳолаш учун аслида йиллар лозим бўлади. Китобдаги маълумотлар эса, жаҳондаги ҳар бир инсоннинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида тасаввурга эга бўлишига имкон беради.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон суверен давлат сифатида анча ёш мамлакат. Аммо унинг давлатчилик тарихи тўрт минг йилликка бориб тақалади. Назаримда, бугун биз Ўзбекистонда иккита муҳим жиҳатга гувоҳ бўлаяпмиз. Авваламбор, юртингиз катта иқтисодий имкониятларга эга эканлигини қайд этишим лозим. Жадал суръатдаги ислоҳотлар муҳим натижаларга олиб келиши муқаррар. Бироқ бунга ёлғиз эришиб бўлмайди, минтақа билан ҳамжиҳатликда катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон дипломатиясини, айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев барча қўшни давлатлар билан умумий тил топганини эътироф қилиш лозим. Иккинчи муҳим жиҳат шундаки, Ўзбекистон тарихий тараққиёт силсиласида, яъни умумий тарих, маданият ҳамда фан-таълим узвий бўлган минтақавий тараққиётни қайта уйғотмоқда. Бу жараён у ёки бу давлатда эмас, балки биргаликда амалга оширилаяпти, яъни минтақадаги ҳар бир мамлакат, жумладан, Афғонистон ҳам бунда муҳим роль ўйнаяпти. Айнан мана шу икки омил узвий кечмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон қанча қудратли бўлса, минтақа ҳам шунча қудратли бўлади. Бу саъй-ҳаракатлар кимгадир қарши қаратилмаган, балки ҳамма учун эзгу мақсадни кўзлаган.

Шавкат Мирзиёев юритаётган сиёсат шарофати билан Ўзбекистонда чуқур билим ва малакага эга ёшлар, ҳокимият идораларида бўладими, бошқа соҳаларда бўладими, мамлакатда ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Умуман, сўнгги йилларда юртингиз эволюцион ўзгаришлар сари юз бурди. Ўзбекистондаги янгиланишлар, ҳеч муболағасиз, ҳар биримизни тўлқинлантирмоқда. Яқин келажакда мамлакатнинг тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишига ишонамиз.

## Ўзбекистон Президентининг АҚШга расмий ташрифи

### дастуридан ўрин олган тадбирлар ҳақида маълумот берилди




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президент Шавкат Мирзиёев 16 май куни Оқ уйда АҚШ Президенти Доналд Трамп билан учрашади. Музокаралар аввал тор доирада, кейин кенг доирада бўлиб ўтади. Кенг доирадаги музокараларда Ўзбекистон ҳамда АҚШ расмий делегацияси вакиллари қатнашади, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилади.

Ташриф давомида 40 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилиниши, жумладан, умумий қиймати 8,5 миллиард долларлик савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий битимлар имзоланиши режалаштирилган. Бу рақамлар, албатта, ташриф давомида ўзгариши мумкин. Бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон томонидан расмий қабул маросими ўтказилади. Бу ерда АҚШ маъмурияти раҳбарияти, вазирлик ва идоралар, йирик компания ҳамда корпорациялар раҳбарлари иштирок этади.

Президентимиз 17 май куни Пентагонга ташриф буюриб, АҚШ мудофаа вазири билан музокара ўтказади. Капитолийда конгрессменлар ва сенаторлар билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилади.

Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки Президенти билан ҳам учрашиб, юртимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этиш бўйича музокара олиб боради.

Ташриф давомида бўлиб ўтадиган мулоқотлар, уларнинг натижалари ҳақидаги қўшимча маълумотлар Матбуот маркази орқали етказиб борилади.

Тараддуд

## Вашингтонда ташкил қилинган Матбуот марказида ОАВ ходимлари учун барча қулайлик яратилди

Матбуот маркази замонавий техникалар билан жиҳозланган бўлиб, юқори тезликдаги интернет тизимига уланган. Бу ерда малакали журналистлар, тасвирчи ва фотографлар иш олиб бораяпти.

Президент Матбуот хизматининг маълум қилишича, ушбу марказ давлатимиз раҳбарининг АҚШга бўладиган тарихий ташрифини барча оммавий ахборот воситасида, хусусан, интернетда атрофлича ёритиш, ташриф билан боғлиқ воқеаларга оид маълумотларни аниқ, ишончли ҳамда тезкор равишда етказиб беришда муҳим кўприк вазифасини ўтайди.

Ташриф билан боғлиқ тадбирлар, хусусан, аэропортда кутиб олишдан тортиб, учрашувлар, музокаралар, ҳужжатлар имзолаш маросимлари — барча жараён МТРКнинг "Ўзбекистон 24" телеканали орқали ва Президентнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри ҳамда тезкорлик билан эфирга узатилиши режалаштирилаяпти.

Ташриф аввалида йигирмага яқин тадбирлар, турли учрашувлар ўтказиш, таниқли халқаро экспертлар, АҚШнинг кенг жамоатчилик вакиллари билан интервьюлар уюштириш кўзда тутилган эди. Уларнинг аксарияти ташкил қилиниб, оммавий ахборот воситаларида навбатма-навбат берилмоқда. Бу жараён давом этаяпти.



## Демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларига содиқлик ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўзининг ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ҳамда яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий шартномалар талаблари асосида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маърузаларни доимий равишда тақдим қилиб келмоқда.

Жорий йил 5 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармон алоҳида қайд этилди.

Юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ҳамда ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар ҳақида сўз юритилиб, хусусан, журналистларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга катта аҳамият берилаётгани, нодавлат ОАВ фаолияти кенгайиб бораётгани айтиб ўтилди.

Халқаро экспертлар сўнгги йилларда Ўзбекистон дунёга очилиб бораётгани, прагматик сиёсат юритаётганини эътироф этишди. "Америка овози" телерадиоканали журналисти Навбаҳор Имамова АҚШ ОАВ тарихида илк бор Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган журналист бўлгани, яқинда Ўзбекистонда икки журналист ва икки тадбиркор суд залидан озод этилганини мисол сифатида келтириб, "Булар улкан воқеадир", дея билдирди.

Тадбирда юртимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар илгари сурилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» махсус мухбири Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.**
**Вашингтон, Америка Қўшма Штатлари**

Ахмет ДЕМИР:

# ОТА ЮРТИМИЗГА БЎЛГАН МУҲАББАТ, ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ИШОНЧ

## Ўзбекистон билан инвестициявий ҳамкорлигимизнинг бош ўзагидир



*Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Буни соҳадаги энг муҳим ўзгариш — қулай ишбилармонлик ҳамда инвестиция муҳити яратилгани мисолида яққол кўриш мумкин. Натижада иқтисодиётимиз тармоқларининг инвестициявий жозибадорлиги ортиб, бу, ўз навбатида, хорижлик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.*

*Хусусан, Туркия ишбилармон доира вакиллари ўз бизнес фаолиятини юртимиз билан боғлашга интилмоқда. Ҳамкорликда йирик лойиҳаларга қўл урилаяпти. “Demir Group” компанияси раҳбари Ахмет ДЕМИР — шулардан бири.*

*Мухбиримиз мазкур машҳур инвестор билан Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги бугунги савдо-иқтисодий, инвестициявий алоқалар, тадбиркор томонидан ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар ҳақида суҳбатлашди.*

### Ўзбекистонни танлаган инвесторлар

— Бугун Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида янги саҳифа очилаяпти, — дейди у. — Буни нафақат мамлакатингиз аҳолиси, балки биз, хорижлик инвесторлар ҳам кўриб, ҳис этиб турибмиз. Масалан, ўзим дастлаб бундан 26 йил илгари юртингизга келиб, бизнес фаолиятимни бошлаганман... Маълум бир танаффусдан сўнг яна ҳамкорлик қилаётганимдан жуда хурсандман.

Агар олдинги ҳамда бугунги ҳолатни холис таққослайдиган бўлсак, ўзгаришлар жуда катта. Буни кўпчилик дуч келган, лекин унчалик аҳамият бермайдиган бир мисол билан тушунтирсам.

Гап шундаки, илгари давлат остонасига қадам қўяркансиз, божхона назоратидаги масъуллар муомаласи одамни саросимага солар, улар сизга шубҳа билан, нега келдинг, деган назарда қараётгандек туюлаверарди. Аслида, ўзбеклардек хушмуомала, одамохун халқ дунёда йўқ. Бу соҳа вакилларининг қонида ҳам ана шундай фазилат, ўзбекона лутф бор экан. Буни энди-энди кўраяпмиз. Уларнинг назоратидан ўтиш учун атиги 3 дақиқа кифоя қилаётгани эса кутилмаган ҳодиса. Тизимдаги бу ўзгаришлардан жуда-жуда мамнунман. Шу каби янгиланишлар бутун мамлакат ҳақидаги қотиб қолган эски тасаввурларни бутунлай ўзгартирмоқда.

Ёки бўлмаса, виза тизимидаги ўзгаришларни олайлик. Бундан 2 йил олдин Ўзбекистонга визасиз бориб келасиз, деса, ҳеч ким ишонмасди. Худди шунингдек, валюта сиёсатининг либераллаштирилгани, чет эллик инвесторларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлангани — буларнинг барчаси туркиялик инвесторлар эътиборини тортмоқда.

***— Сизнинг бизнес фаолиятингизни Ўзбекистон билан қайта боғлашингизга нима туртки бўлди?***

— Ота юртимизга бўлган муҳаббат, ўзбек халқига ишонч. Инсон яхши кўрмаган жойида яшолмайди. Бу аниқ. Чидам билан ишлаш эса мумкин эмас. Одам ишонч пайдо бўлган, эртасидан кўнгли тўқ жойдагина ҳадиксиз, роҳатланиб ишлайди.

Яширишнинг ҳожати йўқ, авваллари ўзбек дўстларимизда ҳам бизнесга сармоя киритишда иккиланишлар бўларди. Бугун унинг ўрнини қатъият эгаллаб, кейинги бир ярим йилда халқ ҳаракатга тушиб кетди. Бу эса бизга куч-қувват, жасорат беради. Президентга, ислоҳотларга ишончни кучайтиради.

Бизнинг офисимизга Туркиядан деярли ҳар куни меҳмонлар келади. Шу жиҳатдан, у қурилиш идорасидан кўра, кўпроқ бизнес марказига ўхшайди. Юртдошларимга ўз тажрибамдан келиб чиқиб, маслаҳатлар бераман, йўл-йўриқ кўрсатаман. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бизнес юритиш учун яратилаётган шарт-шароитлару имтиёзлардан хабардор этаман.

Демоқчи бўлганим, турк ишбилармон доираларида кучли ҳаяжон, ҳамкорликка иштиёқ бор. Ўйлайманки, бунинг самараси яқин олти ой, узоғи билан бир йилда кўзга яққолроқ ташлана бошлайди.

***— “Чорсу” меҳмонхонасини қайта реконструкция қилиш ва замонавий хизмат кўрсатиш мажмуасини барпо этиш лойиҳасига сармоя киритаяпсиз. Нега айнан меҳмонхона бизнесига қўл ураяпсиз?***

— Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларига эшикларини очмоқда. Ўз навбатида, чет давлатлар юртингиз тимсолида ишончли ҳамкорни кўраяпти. Бу эса бошқа соҳалар қаторида туризм истиқболига кенг йўл очади. Бундай шароитда меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, сифатли хизмат кўрсатиш ўша мамлакат имиджи учун ўта муҳим. Масалан, Туркияда айни пайтда 1,5 миллион ўринли меҳмонхоналар тизими мавжуд. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўтган йили 40 мингтага яқин экан.

Тўғри, рақамлар йил сайин ошиб бораяпти. Аммо юртингизнинг бугунги туристик салоҳияти учун бу жуда паст натижа. Бугунги реал эҳтиёж уни камида 500 мингтага етказишни тақозо қилади. Ана шу талабдан келиб чиқиб, биз мазкур лойиҳа ижросига киришдик. Давлатингиз раҳбари томонидан 2017 йил 7 сентябрда имзоланган Тошкент шаҳрида “Эски шаҳар” туристик зонасини ташкил этишга оид қарор ишимизни жадаллаштириб юборди.



## «ЧОРСУ» меҳмонхонаси 33 000 000 АҚШ долларилик инвестициявий лойиҳа туфайли бутунлай замонавий қиёфа касб этади.

***— Айтинг-чи, “Чорсу” меҳмонхонасини қайта таъмирлаш лойиҳасининг умумий қиймати қанча? Меҳмонхона мижозларига эшикларини қачон очади?***

— Қиймати 33 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳамиз ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини якунлаш икки йилга мўлжалланган. Яъни 2019 йил охирига қадар объектни тўлиқ ишга тушириш ниятидамиз. Лекин умумий майдони 34 минг квадрат метрлик бинони замонавий қиёфага келтириш осон иш эмас. Чунки электр энергияси, ичимлик суви каби муҳандислик тармоқларидан узилган, лифти йўқ 24 қаватли бу иншоотни ахлат уюмларидан тозалаб, тартибга келтиришга, ишонасизми, олти ой керак бўлди. Шундан сўнг бино техник ҳолатини экспертиза қилиш ишларига киришилди. Ҳозирги пайтда бу юмушлар тўлиқ якунланиб, меъморлар томонидан қайта таъмирлаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди.

***— Одамлар орасида “Меҳмонхона биноси қийшиқ, бир томонга оғган”, деган гап-сўзлар ҳам юрибди. Мутахассислар хулосасига кўра, бу қанчалик ҳақиқатга яқин?***

— Аввало, шуни айтиш жоизки, ушбу меҳмонхона биноси нафақат Ўзбекистон, балки Ҳамдўстлик давлатлари орасида ноёб ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, унинг лойиҳаси Москвада тайёрланиб, иккита шаҳар — Минск ва Тошкентда барпо этилган. Муҳандисларнинг хулосасига кўра, у бошқа бинолардан тубдан фарқ қилади. Айниқса, зилзилабардошлиги билан алоҳида ажралиб туради.

У тўрт қисмдан иборат бўлиб, марказдаги асос атрофида учта ҳар бири мустақил бино тикланган. Улар худди қалъалар сингари ўта мустаҳкам. Энг муҳими, жуда яхши сақланган, ҳеч бир қисми қийшаймаган. Техник хулосалар унинг яна узоқ йиллар хизмат кўрсатишидан далолат бераяпти.

Тошкентнинг қоқ марказидаги меҳмонхонани оддий, шунчаки таъмирлаб бўлмайди. Кейинги йилларда қурилган айрим меҳмонхоналарни пойтахтликлар ҳам билмаслиги мумкин. Аммо бу бинони салкам 33 миллион кишилик Ўзбекистон аҳолиси орасида эшитмаганлар кам топилади. Шу боис унга қайта ҳаёт бағишлаш ишларига жиддий ёндашиб, жаҳонда ушбу жабҳадаги хизматлари билан донг қозонган, 1,1 миллион ўринли меҳмонхона тармоқларига эга “Marius” компанияси мутахассислари кўмагида мукаммал лойиҳа яратилди.

***— Меҳмонхона пештоқига нечта юлдуз тақилади? Бир пайтда неча кишига хизмат кўрсатилади?***

— Меҳмонхона камида тўрт юлдузли бўлиб, 350 та хонадан иборат бўлади. Хорижлик ҳамкорларимиз бундай йирик иншоотда намунали хизмат кўрсатиш учун 2 гектарлик майдон камлик қилишини айтишди. Шундан сўнг биз Тошкент шаҳар ҳокимияти ва бошқа мутасаддиларга қўшимча ер майдони ажратиш бўйича мурожаат қилдик. Натижада яна 3 гектар ер қўшиб берилаяпти.

Бу жойда халқаро меҳмонхоналардаги барча шарт-шароит яратилади. Очиқ ва ёпиқ ҳовуз, теннис корти, йирик анжуманлар, тантана ҳамда маросимлар ўтказиладиган муҳташам зал, ишбилармонлар учун доимий фаолият кўрсатиладиган ҳар хил сиғимдаги конференция заллари ўрин олади.

Лойиҳамизнинг яна бир янгилиги шундаки, меҳмонхонага туташ ҳудудда Ҳунармандлар мажмуаси ташкил этилади. Бу ерда 22 та ҳунармандлик маркази фаолият юритади. Яъни заргарлар, ёғоч ўймакорлари, кандакорлар, наққош, рассом ва хаттотлар шу ерда ишлаши, маҳсулотларини сотиши учун зарур шарт-шароитга эга бўлишади. Энг муҳими, Президент қарори билан бу ерда ишлайдиган ҳунармандларга 7 йиллик солиқ имтиёзлари берилиши кўзда тутилаяпти.

Мажмуада бундан ташқари, икки қаватли учта бино тикланади. Улардан биттаси чет эллик инвесторлар учун офис вазифасини ўтайди. Яъни меҳмонхонага жойлашган ишбилармонлар шу ерда меҳнат фаолиятини олиб бориши, ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиши мумкин. Ўз навбатида, ўзбекистонлик фермер ҳамда тадбиркорларга хориж маҳсулотлари билан танишиш, ўз маҳсулотларини тарғиб қилиш, ҳамкорлар топиш учун бизнес мулоқот майдони вужудга келади.

Бинолардан яна бири “Cover work center” бўлиб, у ёш тадбиркорлар учун ажратилса, учинчисида оилавий меҳмонхона ташкил этилади. Ҳар бири уч хонали мўъжаз бошпаналарда меҳмонлар ўзини худди ўз хонадонидагидек ҳис қилиши учун уй шароитидаги барча нарсалар муҳайё этилади.

***— Сизни халқимиз савдо соҳасидаги хизматларингиз орқали яхши танийди. Келгусида ушбу жабҳада ҳам янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятингиз борми?***

— Албатта. Аммо биз ишни энг муҳимларидан бошлаяпмиз. Айни пайтда меҳмонхонани таъмирлашдан ташқари, туризм соҳасидаги яна бир йирик лойиҳа — Тошкентдан Бухорогача бўлган автомобиль йўллари атрофида замонавий хизматлар кўрсатиш тизимини ташкил этиш устида ишлаяпмиз. Унга кўра, 12 та жойда, йўлнинг икки тарафида жами 24 та мажмуа бунёд этилади. Унда автомобилларга ёнилғи қуйиш, транспортларга техник хизматлар кўрсатиш шохобчалари, минимаркет, кемпинг ўрин олади. Улар зиёрат туризми сайёҳлари талаблари даражасидаги шарт-шароитларга эга бўлади.

Лойиҳага кўра, мажмуаларнинг ҳар бири 1 гектар жойда бунёд этилади. Бунинг учун умумий ҳисобда тахминан 35 — 70 миллион доллар атрофида сармоя киритишни режалаштирганмиз. Зеро, у нафақат хайрли, балки фойдали, айни чоғда, туризм равнақига хизмат қиладиган истиқболли лойиҳадир.

Худди шундай лойиҳаларни тезлик билан ишга тушириш керак. Чунки автомагистралда сервис хизматларини ривожлантирмасдан туриб, туризмни тараққий топтириб бўлмайди. Ҳолбуки, тарихий, зиёрат туризми борасида Ўзбекистонда мавжуд имконият дунёнинг бошқа давлатларида йўқ. Айниқса, мусулмон олами учун юртингиз Макка ва Мадинадан кейинги муқаддас замин ҳисобланади.

Қолаверса, тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар бус-бутун сақлаб қолинган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қаршига боринг, ўзингизни ўтмишда юргандек ҳис қиласиз. Туркиянинг ҳам тарихий шаҳарлари кўп. Аммо у ерда ўша давр руҳиятини сезмайсиз. Сабаби, уларни замонавий бинолар қуршаб олган.

Биз қўл ураётган лойиҳалар мавжуд ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, туризмни ривожлантириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш орқали иқтисодиёт равнақига хизмат қилади. Бу борада ўзбекистонлик ҳамкорлар билан биргаликда яна кўплаб лойиҳаларни амалга оширишга тайёрмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Саид РАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

**«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиали**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Бухоро вилояти, «20-трест» МЧЖга қарашли, 7-сон вакиллик корхонаси балансидаги Бухоро вилояти, Жондор тумани, «Навгади» МФЙ, Бунёдкор (Б. Салимов) кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1913 кв.м., қурилиш ости майдони 380,68 кв.м., фойдаланиш майдони 761,36 кв.м.дан иборат маъмурий бино қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 622 974 637 сўм.***

Аукцион савдоси ғолиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома имзоланган санадан бошлаб 20 кун муддатда сотувчи билан мулк олди-сотди шартномасини имзолаши шарт.

Очиқ аукцион савдоси 2018 йил 14 июнь куни соат 11.00 да Бухоро вилояти, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиали савдолар залида бўлиб ўтади.

Талабгорлардан буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилиниб, 2018 йил 13 июнь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Ушбу кўчмас мулк белгиланган кундаги савдоларда сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 11.00 да юқорида кўрсатилган манзилда объект сотилгунга қадар ўтказилади.

Такрорий савдолар бўйича талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар буюртманомани савдо ташкилотчисига бевосита ёки почта орқали, шахсан ёхуд унинг вакили орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишлари лозим: юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, очиқ аукцион савдоси тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси. Савдоларда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилиниши лозим.

Очиқ аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиали «Туронбанк» АТБ Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704975228005, МФО: 00111, СТИР: 302269399.

**Қўшимча маълумот учун манзил:**
**«Universal Realtor» МЧЖ Бухоро вилояти филиали, Бухоро ш., Мустақиллик кўчаси, 10-уй.**
**Телефонлар: (+99893) 452-10-01, (+99891) 218-10-78. www.realtor.uz**
**E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**ПРОФНАСТИЛ**

**ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ** қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
**ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ**
гофраси баландлиги: С-18, С-35
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.
**Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.**



**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**
• 0,4 мм. — **38 000** сўм/п.м. • 0,45 мм. — **42 500** сўм/п.м. • 0,7 мм. — **65 500** сўм/п.м.

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**
• RAL 3005 0,45 мм. — **48 600** сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — **48 600** сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — **54 000** сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — **54 000** сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+ 998 95) **197-00-93**

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази жамоаси бош шифокор Елена Борисовага турмуш ўртоғи
**Сергей БОРИСОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшма қўмитаси “Банк ҳисоби ва аудит” кафедраси профессори Тўрабой Қоралиевга онаси
**Роҳатой ая БЕКНАЗАРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6